2010 ЙИЛ 25 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 165 (11.726)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга* ***«Ўзбекистон Қаҳрамони»*** *унвони берилиб, олий нишон —* ***«Олтин юлдуз»*** *медали топширилсин:*

**Зияев Юсуп Мингкабилович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти

**Ғопиров Камолиддин** — Шаҳрихон туманидаги 53-мактаб интернати директори, Андижон вилояти

**Эргашева Патила** — Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 24 август*



Зияев Юсуп Мингкабилович



Ғопиров Камолиддин



Эргашева Патила

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.**

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирланди:*

### «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

**Муҳаммаджонов Рихсибой** — Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси аъзоси, кинодраматург

**Расулов Алишер Турсунбоевич** — Республика эстрада-цирк коллежи ўқитувчиси, композитор

### «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

**Адашев Ражаб Ҳалимович** — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

**Назарбеков Озодбек Аҳмадович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

**Алимов Самандар Чориевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Аҳмедова Лола Бахтиёровна** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Зиёев Абдунаби Кўчқорович** — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли созандаси

**Раҳматов Меҳриддин Тожиддинович** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

**Узоқова Шоҳида Норматовна** — Ўзбек давлат драма театри актёри

**Умарова Фаридахон Жўраевна** — Республика ёш томошабинлар театри актёри

**Усмонов Рамиз Бекназарович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Ҳамроева Нодира Михайловна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

**Кўзиев Тоир Асқарович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Сато» гуруҳи бадиий раҳбари

*(Давоми 2-бетда).*

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг 19 йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига самимий қутловлар ва энг эзгу тилакларни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мустақиллик қўлга киритилганидан кейин ўтган 19 йил давомида Сиз, Жаноби Олийларининг раҳнамолигингизда Ўзбекистон ҳукумати ва халқи давлат мустақиллиги, унинг суверенитети ва хавфсизлигини таъминлаб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларидан самарали фойдаланиб, хорижий давлатлар билан алоқаларни муттасил кенгайтириб, давлат қуриш ва мамлакатни равнақ топтиришдек буюк хайрли ишларда салмоқли ютуқларни қўлга киритган ҳолда, мавжуд шароит ва хусусиятларга мос ривожланиш йўлидан дадил бормоқда. Биз, Ўзбекистоннинг яқин қўшнилари, дўст ва ҳамкорлари мамлакатингиз эришаётган муваффақиятлардан чин дилдан қувонамиз.

Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кундан Хитой-Ўзбекистон муносабатлари изчил ривожланиб келмоқда. Мамлакатларимиз сиёсат соҳасида ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни қўллаб-қувватлаб, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни амалга оширмоқда. Хавфсизлик соҳасидаги ҳамжиҳатлигимиз мустаҳкамланиб, гуманитар алоқаларимиз муттасил кенгаймоқда. Мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ғоят муҳим масалаларда бир-бирини фаол қўллаб-қувватламоқда, БМТ ва ШҲТ каби халқаро ташкилотлар доирасида яқин ҳамкорлик қилмоқда, мамлакатларимизнинг муштарак манфаатларини самарали ҳимоя қилиб, минтақада ва бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Жаноби Олийлари, мамлакатингизга жорий йил июнь ойидаги давлат ташрифим асносида Сиз билан Хитой ва Ўзбекистон ўртасида сиёсий ҳамжиҳатликни ва барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашдик ҳамда қатор муҳим келишувларга эришдик. Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, шериклик ва ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтариш учун икки томон эришган келишувларни ҳаётга фаол татбиқ этиш мақсадида Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда бутун куч-ғайратимни сафарбар этишга тайёр эканимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Икки томон учун ҳам қулай вақтда Сиз, Жаноби Олийларининг Хитойга ташрифингизни кутиб қоламан.

Дўст Ўзбекистонга куч-қудрат ва тараққиёт, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз.

**Ху ЦЗИНЬТАО,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

## ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ТОПГАН ИЖОД

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда эришилаётган ютуқлар, ҳамюртларимизнинг ўз қобилияти ва имкониятини тўлақонли намоён этиши учун яратилган кенг имкониятлар, тинч ва осойишта, фаровон ҳаётимиз, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, аҳиллик муҳити ижодкорларимизни янгидан-янги асарлар яратишга илҳомлантирмоқда.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

24 август куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу танлов ғолибларига мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, санъат ва маданият намояндалари, ижодкорлар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашидек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу жараёндаги ибратли ишлар миллий ўзликни англаш, халқимиз онгу тафаккурини ўзгартириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётир.

*(Давоми 2-бетда).*

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий қўмитаси котиби, Марказқўм тарғибот бўлими бошлиғи Лю Юньшань раҳбарлигидаги делегация аъзолари 24 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йилда Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида барқарор ривожланмоқда. Жорий йил июнь ойида ХХР Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ушбу ташриф доирасида турли соҳаларда ҳамкорликка оид ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

– Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар чоғида икки томон учун ҳам манфаатли келишувларга эришилаётир, – деди Лю Юньшань. – Айниқса, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожини юксак қадрлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бораётгани қувонарлидир.

Шу куни Хитой делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейларида, Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуида бўлди.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 июлда қабул қилинган қарорига мувофиқ янги ўқув йилига тайёргарлик доирасида Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларида 182 мактаб бозори ва ярмаркалари ташкил этилди. Уларнинг 24 таси буюм бозорларида ажратилган махсус жойларда, 116 таси умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қошида фаолият кўрсатмоқда. Шаҳар ва туманларда, олис қишлоқлардаги ўқув муассасаларида ташкил этилган махсус мактаб ярмаркаларида 27 турдаги ўқув қуроллари савдоси йўлга қўйилган.**
- **Наманган шаҳрида маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича энг намунали маслаҳатчиси кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танлов якунига биноан сирдарёлик Хосиятхон Сафарова биринчи ўринга лойиқ топилди. Фарғоналик Мавлуда Ҳакимова иккинчи, Тошкент вилояти вакили Гулноза Мамадалиева ҳамда Наманган вилояти вакили Нурхон Ҳафизова учинчи ўринга сазовор бўлди.**
- **Гулистон шаҳридаги марказий деҳқон бозори ҳудудида янги савдо мажмуаси бунёд этилмоқда. Бу ерда вилоятда ва мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилади. Савдо мажмуаси 200 та дўкон ҳамда 330 та савдо ўрнига эга икки ёпиқ павильондан иборат бўлади. Қурилиш ишларини «Сайқалзаминқурилиш» ва «Бектранссервис» хусусий фирмаси бунёдкорлари амалга оширмоқда.**
- **Навоий шаҳридаги спорт саройида Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган гимнастрада бўйича очиқ биринчилик бўлиб ўтди. Унда 5 ёшдан 68 ёшгача бўлган турли ёш тоифасидаги спортчилар ўзаро куч синашишди.**
- **Гулистон шаҳридаги 3-микрорайонда кўп тармоқли болалар поликлиникасининг қурилиши якунига етмоқда. Янги тиббиёт муассасасининг уч қаватли биноси Турғун Аҳмедов номли маҳалла ҳудудидан ўрин олган. Энг замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган лабораториялари, рентген, муолажа, диагностика хоналари бўлган мазкур шифохона Мустақиллик байрамига шаҳар аҳолиси учун муносиб туҳфа бўлади.**

### ЖАҲОНДА

- **Кеча Ироқнинг Баакуба шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида тўрт киши ҳалок бўлди, 20 та одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**
- **11 соат давомида битта террорчига қарши ҳеч нима қилолмаган ва охир-оқибатда саккиз киши ҳаётдан кўз юмган Филиппин пойтахти Манилада гаровга олинган сайёҳларни озод қилиш юзасидан уюштирилган операция чоғида муайян хатоларга йўл қўйганлигини мамлакат полицияси тан олди.**
- **Покистонга яна янги сув тошқинлари хавф солмоқда. Кучли тошқинлар бир нечта қишлоқни ювиб кетган мамлакат жанубий музофотининг 80 фоиз аҳолиси ўз турар жойларини тарк этдилар. Покистондаги фожеавий тошқинлар муносабати билан Халқаро валюта жамғармаси мамлакат бюджети ва унинг иқтисодий ривожланиши истиқболларини кўриб чиқишга қарор қилди.**
- **Чилидаги коннинг босиб қолиши муносабати билан узоқ вақтдан буён ер остида қолиб кетган шахтёрларга кеча озиқ-овқат захираси ва тиббиёт воситалари, дори-дармонлар етказиб берилди.**
- **Испания ноҳукумат ташкилотининг икки фаол аъзоси озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотни Мадрид расман тасдиқлади. Таъкидлаш кераккки, фаоллар «Ал-Қоида» гуруҳи аъзолари томонидан ўтган йилнинг кузида ўғирланган эди.**
- **Буюк Британиянинг Лафборо университетида фаолият кўрсатувчи Тимоти Уайдхэт аср кашфиётини амалга оширди. У ультрабинафша нурли лампа ёрдамида энг ифлос сувларни ҳам тўлалигича стерилизация қилиш имкониятига эга шиша идишни кашф этди. Бунда сувни идишга солиб, маълум жараёндан кейин тайёр тозаланганини истеъмол қилгунга қадар икки дақиқадан ортиқ вақт ўтмайди.**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Ортиқов Ғайрат Азизович** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

**Бузруков Аҳмаджон Аъзамхонович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион эшиттиришлар муҳарририяти бўлим мудири

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

**Ботиров Зубайдулла Ворисович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош рассоми

**Бомуродов Бобур Ҳодиевич (Бобур Бобомурод)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Воҳидов Шуҳрат Хуршидович** — Ўзбекистон темир йўллари маданият саройи бадиий раҳбари, хонанда

**Мамажонов Анвар Алимжонович** — Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси, график рассом

**Мўминова Шаҳнозахон** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, чиннисоз-рассом

**Раҳматов Султонали Аҳмаджонович** — эркин ижодкор, бастакор

**Сафарова Матлуба Тилаволдиевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

**Ҳасанов Ҳамидулла** — «Ўзбекфильм» киностудияси кинооператори

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

**Тошбеков Фарҳод Баҳромович** — Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

**Пономарёв Александр Викторович** — Сув спорти турлари республика олий спорт маҳорати мактабининг байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича мураббийи

**Қурбонов Олимжон Исоқович** — Республика олимпия захиралари коллежининг юнон-рум кураши бўлими бош мураббийи

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

**Аҳмедов Баҳодир Йўлдошбоевич** — Футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Каримова Евгения Сергеевна** — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Қурбонов Равшанбек Давлатович** — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори

**Меньков Вадим Юрьевич** — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Юсупов Ибрагим** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош балетмейстери

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Зиёмуҳамедов Садриддин Муҳиддинович** — Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси аъзоси, саҳналаштирувчи-рассом

**Норматов Нодир** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, санъатшунос

**Рафиқов Абзал Азимович** — Ўзбек давлат драма театри актёри

**Ҳасанов Фахриддин Салоҳович** — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти таҳририят мудири

**Шарипов Сайдиолим Акрамович** — «Давлат белгиси» давлат илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош рассом-дизайнери

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Усмонова Муаттар Жалиловна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Болалар ва ўсмирлар» эшиттиришлари бўлими мудири

### «Дўстлик» ордени билан

**Азимов Абдумажид Абдуллаевич** — «Моҳият» газетаси бош муҳаррири

**Атабоев Азаматжон Шодмонбекович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

**Галахов Олег Викторович** — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

**Ғуломов Шухрат Маннопович** — Тошкент давлат техника университетининг кафедра профессори

**Мирхолиқов Раҳим-Мурод Тўхтаевич** — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳаррири

**Пак Зинаида Владимировна** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқовалаш цехи матбаачиси

**Солиҳов Улуғбек Шокирович** — Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри овоз режиссёри

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «Шуҳрат» медали билан

**Акрамов Саидазим Сайдаматович** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси офсет босма цехи бошлиғи

**Арипова Мастура Ҳикматовна** — Тошкент кимё-технология институтининг кафедра мудири

**Атабоев Зокиржон Жуманазарович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Республика телерадиомарказининг овоз ёзиш режиссёри

**Баҳодиров Ғайрат Отахонович** — Ўзбекистон Фанлар академияси бош илмий котиб ўринбосари, фундаментал ва амалий дастурлар бўлими бошлиғи

**Ғафурова Сайёра Акмаловна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси махсус фортепиано кафедраси доценти

**Дадамуҳамедова Шоҳида Мубашировна** — Тошкент шаҳар 1-сонли болалар клиник шифохонаси кўз микрохирургияси бўлими мудири

**Муталов Шухрат Азизович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали бош телеоператори

**Набиева Ирода Абдусаматовна** — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

**Пиязов Женисбек Буркитович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, хонанда

**Полонская Людмила Алексеевна** — «Туркистон»-«Молодежь Узбекистана» газеталари мухбири

**Ражабов Илёс Комилжонович** — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи босма цехининг 5-даражали чоп этувчиси

**Серафимова Люда** — Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бош мутахассиси

**Сулаймонов Ботиржон Абдушукурович** — Тошкент давлат аграр университетининг кафедра мудири

**Турсунов Лутфилло Саидмуродович** — «Хабар» газетаси масъул котиби

**Шаҳобов Умид Шарифжонович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Ширинова Гулчеҳра Хайруллаевна** — «Соғлом авлод» газетаси катта мухбири




## ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ТОПГАН ИЖОД

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Миллий маданиятимиз ва санъатимизни изчил равнақ топтириш, ижодкорларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратишга оид ғамхўрлик адабиёт ва санъатнинг турли йўналишларини услуб ва жанр жиҳатдан ривожлантириш ва бойитишда, ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда, уларнинг юксак маънавиятли, мустақил ва соғлом тафаккур, бадиий дид соҳиби бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлмоқда.

Ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Бадиий академия, Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Миллий телерадиокомпания каби ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ана шундай тадбирлар сирасидандир.

Ижодий беллашувдан кўзланган асосий мақсад барчамиз учун азиз ва муқаддас истиқлолимиз халқимизнинг фидокорона меҳнати ва бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғуруримиз тимсоли эканини адабиёт, санъат ва журналистиканинг турли жанрларида ёрқин ва таъсирчан акс эттириш, ижодкорларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир. Айни пайтда ушбу кўрик-танлов истеъдод соҳибларининг, айниқса, ёш ижодкорларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка таништиришда, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йил сайин ушбу кўрик-танловда қатнашаётган ижодкорлар сафи кенгайиб бораётгани, тақдим этилган ижодий ишларнинг сифати ва савияси ортаётгани эътиборлидир. Жорий йилда ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари, тасвирий, кино ва фото санъати йўналишлари бўйича икки минг нафардан ортиқ ижодкордан саккиз мингдан зиёд ижодий ишнинг тақдим этилгани бунинг далилидир. Уларда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, унинг бебаҳо неъматларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бугунги фараҳбахш кунларимизнинг қадрига етиш каби эзгу ғоялар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

– Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ижодкорларнинг меҳнати доимо тақдирланиб келмоқда, – дейди танлов ғолибаси, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Дилноза Кубаева. – Бундай ғамхўрлик биз, ижодкорларни зиммамиздаги масъулиятни янада теранроқ ҳис этишга, билдирилган ишончга муносиб бўлишга ундаши билан бирга янада юксак ижодий марралар сари илҳомлантиради.

Тадбирда танлов ғолиблари ва совриндорларига диплом ва мукофотлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ

# ҒОЛИБЛАРИ

### 1.Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари бўйича

**1-ўрин:**

**Жуманиёз Жабборов,** Ўзбекистон халқ шоири — «Кўнглим китоби» сайланма асарлар тўплами учун

**2-ўрин:**

**Матназар Абдилҳакимов,** Хоразм Маъмун академияси илмий ходими — «Мангулик жамоли» ва «Илм сарчашмалари» китоблари учун

**3-ўрин:**

**Янгибой Қўчқоров,** Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари — «Ўн тўққизинчи довон» достони учун

#### Рағбатлантирувчи мукофот

1. **Нилуфар Умарова** — Қашқадарё вилояти Қарши педагогика коллежининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси
2. **Малик Эгамов** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

### 2. Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари бўйича

**1-ўрин:**

**Ҳусниддин Бердиев,** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари — Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мавзулардаги туркум мақолалари учун

**2-ўрин:**

**Жуманазар Меликулов,** Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси — Маънавий-маърифий мавзудаги мақолалари учун

**3-ўрин:**

**Ҳусан Темиров,** «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири — Вилоятдаги иқтисодий ислоҳотларга ҳамда қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилишига бағишланган материаллари учун

#### Рағбатлантирувчи мукофот

1. **Рисликхон Мажнунова** — «Наманган ҳақиқати» газетасининг бўлими мудири
2. **Хуршидбек Рўзиев** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси матбуот бўлими инспектори

### 3. Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича

1-ўрин:

**Маъруф Ҳасанов,** ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти режиссёр-оператори — «Белбоғ» фильми ҳамда «Заргар» ва «Кулол» кўрсатувлари учун

**2-ўрин:**

**«Самарқанд-СТВ»** телевизион ижодий уюшмаси — «Бу — менинг шаҳрим» туркумидаги ижтимоий телероликлари учун

**3-ўрин:**

**Қаҳрамон Раззоқов,** «Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ режиссёри — «Тошкент – 2200» ва «Баркамоллик сари» телероликлари учун

#### Рағбатлантирувчи мукофот

1. **«Келажак овози» ёшлар телестудияси** — Лойиҳа раҳбари — Бахтиёр Тўрахонов
2. **Шаҳноза Маҳмудова** — Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг масъул муҳаррири

### 4. Тасвирий санъат асарлари бўйича

**1-ўрин:**

**Бахтиёр Санаев,** Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани бўлими раиси — Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар тасвирланган ва Баркамол авлод йилига бағишланган ижодий ишлари учун

**2-ўрин:**

**Альберт Ахмедшин,** рассом — «Ўзбекистон — менинг Ватаним» туркумидаги тасвирий санъат асарлари учун

**3-ўрин:**

**Ерик Қулманов,** Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси — «Осойишта Ватаним», «Она Тошкентим», «Наврўз келди», «Олтин куз» тасвирий санъат асарлари учун

#### Рағбатлантирувчи мукофот

1. **Екатерина Иванова** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти магистранти, Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги Ёш ижодкорлар бирлашмаси аъзоси
2. **Темур Мамадаминов** — Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси, ёш фотосуратчи

### 5. Кино санъати асарлари бўйича

**1-ўрин:**

**Ҳилол Насимов,** «Ватан» киностудияси директори — «Таҳдид» бадиий фильмидаги режиссёрлик иши учун

**2-ўрин:**

**Дилноза Кубаева,** Ўзбек Миллий академик драма театри актёри — «Муҳаббатим — қисматим» ва «Ҳижрон» фильмларидаги роллари учун

**3-ўрин:**

**Ҳожимурод Валиев,** Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси режиссёри — «Маънавий тикланиш ва юксалиш йўлида» ҳужжатли фильми учун

#### Рағбатлантирувчи мукофот

1. **Султонмурод Мирзааҳмедов** — «Ўзбекфильм» киностудияси кинооператори
2. **Бахтиёр Қосимов** — киноактёр

## Иқтисодиёт

### ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**«Magnum Medikal Servis» масъулияти чекланган жамияти тиббиёт мебеллари, ускуна ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида муносиб ўрнига эга.**

Бу ерда тайёрланаётган мебеллар ва ускуналар шифохона ва сиҳатгоҳларда, уй шароитларида ҳам қўлланилади. Шунингдек, ҳавони тозаловчи осма, столга қўйиладиган ва ҳаракатланувчи кварц лампаларининг харидоргирлиги таъминланган.

Корхона имкониятлардан оқилона фойдаланиш, доимий изланиш, бозор ва харидор талабларига мос, сифатли ва бирмунча арзон маҳсулот турларини ишлаб чиқариш борасида салмоқли ютуқларга эришди. Кўплаб халқаро кўргазмаларда, тендерларда фаол қатнашади.

Эътиборли томони, корхонада бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда тиббий асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Бу ерда таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш амалга оширилади.

### БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

**Кичик ва хусусий бизнес субъектларига яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар туфайли уларнинг сафи йил сайин ўсиб, сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, қўшимча ишчи ўринлари яратишдаги ҳиссаси салмоғи ҳам ортмоқда.**

Бугунги кунда 40 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган «Beshyog`och-metall» масъулияти чекланган жамиятида юртимиздаги йирик бетон заводлари учун пўлат сим ишлаб чиқарилади. Шунингдек, қурилиш ташкилотлари учун мих тайёрланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, истиқлолимиз шарофати билан мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари авж олган, халқимиз фаровонлиги ортиб бораётган бугунги кунда кўплаб маҳобатли иншоотлар, кўркам бино, замонавий кўприклар барпо этилмоқда. Бу, ўз навбатида, корхонанинг темир-бетон маҳсулотларига бўлган талаб ошишини таъминлайди.

Корхонада ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнат қилиши, мароқли ҳордиқ чиқариши учун ҳам етарли шароит яратилган. Уларнинг ижтимоий ҳимояси жамият раҳбариятининг диққат марказида. Сифатга қаратилган асосий эътибор туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сертификатга эга бўлиб, талабга жавоб беради.

Жамият аъзолари эзгу мақсад йўлида барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб, янги лойиҳалар устида ҳам ишламоқда. Яқин келажакда улар маҳсулотларини бир нечта давлатларга экспорт қилишни амалга ошириш тадоригини кўришмоқда.

### МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ АСОСИДА

**«Arshodhon Servis» масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсатаётганига эндигина бир йил бўлганлигига қарамай, ички бозоримизга сифатли қурилиш ашёлари етказиб беришда илғорлардан саналади.**

Мазкур корхонада ҳозирда меҳнат қилаётган 26 нафар малакали ишчининг маҳорати йўлаклар учун тайёрланаётган плиткалар сифатида акс этмоқда. Бу ерда илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда сопол плиткалар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг замонавий дизайни, узоқ йиллар хизмат қилиши, турли кўркам ранглар жозибаси буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

— Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, — дейди жамият раҳбари Ниёз Ашрапов, — маҳаллий каолиндан ўн турга яқин плиткалар 50 йиллик кафолат билан ишлаб чиқарилмоқда. Соф фойда корхонани янгилаш, модернизация қилишга ва ишчи-хизматчиларга янада қулай меҳнат шароити яратишга йўналтирилмоқда. Экологик тоза қурилиш маҳсулотларимиз кўргазмаларда, кооперацион биржаларда намойиш этилмоқда. Бунёдкор халқимизга озми-кўпми, мададкор бўла олсак, келгуси истиқбол режасини амалга оширишга қанот бўлади.

«Интилганга толе ёр», деб халқимиз бежиз айтмайди. Бир йиллик фаолияти давомида сезиларли ютуқларни қўлга киритган корхона сифат сертификатига эга бўлди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

*Маҳалла — халқ виждони. Юртбошимиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мана шундай юксак баҳо берар экан, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчил амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларда маҳалланинг ўрни тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, Президентимиз таъбири билан айтганда, Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимиз, етишган марраларимизда жамоатчилик фаоллиги ошиб бораётганлиги, одамларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгидаги чуқур ўзгаришлар асосий омил бўлаётир. Бу, ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллашувида ҳам муҳим негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Маҳалла эса демократик фуқаролик институти сифатида, муболағасиз, аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳлари манфаатларининг ифодаловчиси ва ҳимоячисига айланаётир.*

*Шубҳасиз, ушбу таърифларга ва таққосларга асос бор. Бугунги кунда маҳалла кундалик турмуш тарзимизга айланганини ҳеч ким инкор қилмаса керак. Маҳаллада ҳар бир масала — умумий, шахсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишда бўлсин, ҳаттоки сиёсий масалалар ҳам пировардида ҳар бир инсоннинг, ҳар бир оиланинг, бевосита маҳалланинг фаровонлигига тааллуқли бўлиб, бир катта ягона оиладаги каби ҳамжиҳатликда ҳал этилади. Маҳалла — бу фарзандларимиз, ота-онамиз, қўни-қўшниларимиз, бизнинг манфаатларимиз узвийлиги ҳамдир. Маҳаллада ҳамма ўз қувончу ташвишлари билан ўртоқлашади, оғир дамларда бир-бирига ёрдам беради...*

*Шу нуқтаи назардан маҳалла мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг асосини ташкил этувчи жамоат тузилмалари қаторида, дарҳақиқат, алоҳида ўрин тутади. Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси, Сенат аъзоси* ***Анвар Акмалович АҲМЕДОВ*** *билан суҳбатимиз давомида маҳалла ҳаётининг ҳаммамизга яқин ва тушунарли бўлган томонлари, шунингдек, кейинги пайтларда дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотаётган бу ўзига хос ноёб ўзини ўзи бошқариш тузилмасининг айрим қирраларини очиб беришга ҳаракат қилдик.*




**— Анвар Акмалович, аввваламбор маҳалла институти мисолида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мақсад ва вазифалари хусусида тўхталаб ўтсак, фойдадан холи бўлмаса керак?**

— Ўзбекистон Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан собитқадам бормоқда. Шу мақсадда ишлаб чиқилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси бугунги кунда ҳаётимизда ўз ифодасини топаётир. Юртбошимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш модели деб белгиланган ушбу концепция давлат ва жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш борасида ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли мақсадимиздир.

Бизнинг луғатимизда «Ватан маҳалладан бошланади» деган ибора алоҳида ўрин тутади. Буни англаш ва тушуниш қийин эмас. Ҳар биримиз маҳаллада истиқомат қиламиз. Ҳар бир янги кунимиз маҳалладан бошланади. Бу қадрдон гўшага биз кундалик ишимиз, машғулотларимиздан сўнг албатта қайтамиз. Маҳалла ҳиссини оила ҳисси билан чамбарчас дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам Ватан — маҳалладан бошланади! Президентимиз таъкидлаганидек, агарда маҳалла жамиятда алоҳида ўрнига эга бўлса, маҳаллада тинчлик, осойишталик ҳукм сурса, бизнинг қудратимиз ҳамма нарсага етади. Дарҳақиқат, маҳалла фақат одамлар манфаати бирлигига, ҳамжиҳатлик ва қадрдон қўшничилик муносабатларига, халқимизнинг асрий анъаналари ва маданиятига таяниб, фуқаролик жамияти ва ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш йўлида хизмат қилиши мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органининг асосий мақсадига келсак, номи билан айтилаётирки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган, фуқароларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятдир. Ўз навбатида, ўзини ўзи бошқариш органи — бу маҳалланинг кенгаш, бир неча асосий йўналишлардаги комиссиялардан иборат сайланадиган органи ҳисобланади. Маҳалла аҳли оилавий, жамоатчиликка оид бошқа масалалар билан айнан шу идорага мурожаат этади. Ҳар бир масала моҳиятидан келиб чиқилиб, тегишли комиссия кун тартибида кўрилади.

Йиғин фаоллари ва раис икки ярим йилга қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаролар томонидан ёки ҳудудларда аҳоли манфаати ва ҳуқуқларини ифода этувчи ваколатли вакил орқали сайланади. Демак, ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ўз ҳаракатларида маҳалла аҳолиси олдида ҳисобот бериши лозимдир. Вазифалар ҳақида гапирганда, бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органларига кўп ваколатлар ва имкониятлар берилганини қайд этиш лозим. Маҳаллага ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, жойларда жамоат тартибини сақлаш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш вазифалари юклатилган. Турар жойларда ушбу масалаларнинг нечоғлик долзарб аҳамиятга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаётир ва бунга, ўйлаймизки, алоҳида изоҳ талаб этилмайди.

**— Нима деб ўйлайсиз, бугунги кунда маҳалла кўпроқ маҳаллий бошқаришнинг анъанавий шаклига эгами ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жойларда ҳимоя қилувчи янги институт сифатида намоён бўлаяптими?**

— Албатта — маҳалла, бу асрлар оша тарихга эга, турли ижтимоий-сиёсий даврларни бошидан кечирган анъанавий жамоатчилик тузилмасидир. Бир пайтлар маҳаллага нисбатан турли қарашлар ҳам бўлган. Жумладан, маҳаллани йўқ қилиш ёки бюрократик машинага айлантиришга ҳам ҳаракат қилинган... Аммо маҳалла буларга бардош бериш баробарида, энг муҳими, фуқароларни бирлаштирувчи куч сифатидаги аҳамиятини йўқотмади.

Бугунги давр маҳалласи фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида олдинги ўринни эгаллаб, янада кенг аҳамиятга молик бўлаётир. Мисол тариқасида, маҳаллада ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳуқуқлари ўз тасдиғини топаётганига эътибор қаратсак. Аҳоли ўз етакчилари — оқсоқол, унинг маслаҳатчиларини, яъни ҳар бир шахс ёки оиланинг манфаатини ҳимоя қилувчи кишиларни маҳалладошлари орасидан сайлашда иштирок этади.

Кўпчиликка яхши маълумки, кейинги йилларда маҳаллий ҳокимият органларининг ўнлаб ваколатлари маҳаллага берилди. Бу дегани, давлат ўз зиммасидаги маълум вазифаларни маҳалла институтига берар экан, демак, бунинг ортида катта ишонч ётади. Маҳалла орқали давлатнинг кам таъминланган, кўп фарзандли оилалар, ёлғизлар, жисмоний имконияти чекланганлар — аҳолининг кўмакка муҳтож қатламига моддий ёрдам кўрсатиш бўйича ижтимоий дастурлари амалга татбиқ этилаётир. Бундан хулоса шуки, «Кучли давлатлар — кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси ҳаётимизда ёрқин ифодасини топаётир.

Маҳалланинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик яна бир қирраси ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Ўзини ўзи бошқариш органларидан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатилиши ушбу тузилманинг депутатлик комиссиялари, сессияларда — юқори даражада муҳокама қилиниши мумкин бўлган масалалардан четда эмаслигини кўрсатади. Демак, ўзини ўзи бошқариш органидан сайланувчилар мақомида фуқаролар манфаати айни пайтда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида ҳам намоён бўлаётир. Шу ўринда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорига асосан ўтказилиши ҳам алоҳида эътиборга молик эканлигини таъкидлаш жоиз.

## МАҲАЛЛА — ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛИ АСОСИ

**— Ўзини ўзи бошқариш органининг бундай кенг қамровли фаолиятида «Маҳалла» жамғармасининг асосий вазифалари нималардан иборат?**

— «Маҳалла» жамғармаси Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида ташкил этилган. Бу ҳам маҳалланинг жамият ва давлат қурилишида қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Жамғарма аввламбор ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи, ҳар бир фуқарога, умуман маҳаллага ҳам ҳар томонлама кўмаклашувчи хайрия ташкилоти ҳисобланади. Жамғарма маҳаллалар ўртасида маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, турмушимизга, қадриятларимизга зид кўринишларга йўл қўймаслик мақсадида тузилган.

Таъкидлаш лозимки, маҳалла кишилар ўртасида ҳурмат, дўстликнинг ўзига хос намуналарини, уларнинг бир-бирига, жамоага бўлган ахлоқий мажбуриятларини ифода этади. Маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир инсон қариндошчилик асосида эмас, балки айнан бағрикенг, ҳамжиҳат бўлиб бирга яшашни одат қилган. Ўзбекистон — бу кўп миллатли мамлакат. Юртимизда тинч-тотув, эминэркин 130 га яқин миллат ва элат вакиллари ягона оиладек яшаб келади. Шу жиҳатдан маҳалла бутун ўзбек халқининг ўзига хослигини намоён этувчи қутлуғ даргоҳдир. Ўзбек халқи деганда, мамлакатимизда бир эмас, неча-неча авлоди яшаган турли миллат ва элат вакилларининг анъана, урф-одатлари тушунилади. Аҳолимизнинг бундай этник таркиби шаклланишига Шарқни Ғарб билан боғлаган Буюк Ипак йўли асос бўлган.

Миллатлараро тотувлик ҳар бир давлатнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик сиёсатини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи этник гуруҳларнинг манфаати ва ҳуқуқлари Асосий Қомусимизда кафолатланган. Республикамизда барча миллат вакиллари тенг ҳуқуққа эга бўлган ҳолда жамиятнинг шаклланишида, ҳар томонлама ривож топишида иштирок этади. Ижтимоий келиб чиқиши, миллати ва эътиқодидан қатъи назар барчанинг тенглиги ва ҳамжиҳатликда яшаб келаётгани бугунги замонавий маҳалла қиёфасини намоён этади. Ўзини ўзи бошқариш органи тузилмаси ҳам кўп миллатли кишилардан иборат. Бугунги кунда республикамизда ўн мингдан зиёд маҳалла бўлса, уларга турли миллат вакиллари бошчилик қилаётир. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, маҳалланинг кўплаб фидойи инсонлари давлат мукофотларига сазовор бўлган. Биргина ўтган йилнинг ўзида 11 нафар фуқаролар йиғини раиси ҳамда шунча диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, биттадан қишлоқ йиғини масъул котиби ҳамда «Маҳалла» жамғармаси вакили орден ва медаллар билан тақдирланган.

**— Сизнингча, ўзини ўзи бошқариш органларида тўлиқ ифодасини топа олмаган яна қандай имкониятлар бор? Бу савол, балки, жамғарма фаолиятига ҳам тааллуқлидир?**

— Аввалaмбор иккинчи саволдан бошласак, мантиқан тўғри бўлади. Ташкилий жиҳатдан биз замонавий иш услубларини кенг ва тезкор тарзда (агарда шундай дейиш мумкин бўлса) ўзлаштиришимиз, ахборот-коммуникация технологияларидан янада фаолроқ фойдаланишимиз даркор. Дарвоқе, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида жамғарма ҳисобидан 540 та фуқаролар йиғини компьютер жамламаси, 260 таси — янги мебель билан жиҳозланди.

Умуман айтадиган бўлсак, одамларнинг эҳтиёжи, уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасидаги манзилли саъй-ҳаракатларимизни кучайтиришимиз лозим. Мамлакатнинг устувор вазифаларини, кучли ижтимоий сиёсат аввaламбор давлат даражасида юритилаётганини унутмаслигимиз керак. Шу билан бирга инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фуқаролик жамиятининг бир тузилмаси сифатида бизнинг ҳам зиммамиздаги асосий вазифадир. Айнан шу жиҳатдан, бундай масъулиятни англаган ҳолда ҳар йилнинг асосий йўналишларида, шу жумладан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида жамғармага ҳам алоҳида вазифалар юклатилган. Ўтган ойлар давомида жамғарма маблағлари ҳисобидан 1600 ёш оилага қорамол ажратилди, имконияти чекланган 56 нафар талаба «Ziyo NET» тармоғига уланган компьютер жамламаси билан таъминланди, 135 та талабага шартнома тўловлари қоплаб берилди.

Мамлакатимиз Конституциясида инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликлари энг олий қадрият деб белгиланган. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, қонунларда ва ҳуқуқий меъёрларда бундай талабларнинг ифодасини топиши муҳим, аммо доимий амалга татбиқ этиб борилиши бундан-да зарур аҳамиятга эга. Ўз олдимизга қўяётган мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишда жамиятни ислоҳ қилишнинг бош тамойили — ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки инсон учун, унинг манфаатига хизмат қилиши лозимлигини унутмаслигимиз керак. Нима учун бунга алоҳида урғу бераётирман? Биз жамғарма номида акс топган мақомга тўлиқ жавоб беришимиз лозим. Ўз навбатида, фуқаролар йиғинлари раислари ўз касбий тайёргарлик масалаларига сифат жиҳатидан масъулият билан ёндошиши керак. Ушбу йўналишда бевосита жамғарма томонидан тегишли ишлар қилинаётган бўлсада, аммо, тан олиш керакки, ҳозирча натижалар тўлиқ қаноатлантирмайди. Бугунги кунда маҳалла коммунал, тадбиркорлик, бандлик, шунингдек оиланинг, алоҳида бир кишининг ҳуқуқий масалаларини ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Демак, бундай фаолиятга фақат фуқаролар йиғинлари раислари эмас, балки уларнинг маслаҳатчилари ҳам тайёр бўлиши керак. Биз томондан ўтказиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар эса маҳалла фаолларини янада фаол бўлишга ундамоғи лозим.

Айнан шулардан ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳали ифодасини топмаган имкониятлари келиб чиқади. Агарда ушбу тузилманинг бугунги замон талабларига жавоб берадиган кадрлар таркиби шакллантирилса, шунда маҳалланинг имкониятлари янада ойдинроқ, янада равшанроқ намоён бўлади. Албатта, маҳаллада ўнлаб, юзлаб ҳурматга сазовор, зеҳни ўткир инсонлар бор. Аммо оқсоқол бу борада дунёқараши кенг, сиёсий жиҳатдан саводхон, том маънода замонавий раҳбар номига яраша бўлмоғи даркор.

Маҳалла — жамоатчилик назоратининг кучли таянчи. Амалда ўзини ўзи бошқариш органининг бу муҳим жиҳати ҳам, тажриба етарли бўлса-да, ҳали тўлиқ ривож топмаган.

**— Шундай бўлсада, сиз бир неча бор маҳалланинг фуқароларнинг кўплаб масалаларини вақтида ва муваффақиятли ҳал этишда муҳим омил эканлигини таъкидлаб ўтдингиз. Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органларига оид қандай масалаларнинг қонунчилик-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллашуви зарур деб ҳисоблайсиз?**

— Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда маҳалла ўзини ўзи бошқариш органи сифатида кўп қиррали фаолият билан шуғулланади. Маҳалланинг аҳоли, айниқса ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда. Шу билан бирга мазмун-моҳиятига кўра, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда. Амалда бу фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантиришни, унинг мамлакатни, маъмурий-ҳудудий тузилмаларни бошқариш жараёнига уйғун равишда интеграциялашувини англатади.

Шу боис маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш бундан кейин ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қонунчилик фаолиятининг асосий йўналишларини белгилар экан, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизини янада ривожлантириш зарурлигини, бу борада ушбу тузилмалар қарорлар қабул қилиш, ўзига мансуб бўлган ижтимоий қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўрин эгаллашига эришиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Айни пайтда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор деб белгиланди.

Қонунлар таъсирчанлиги жамият барқарорлигини таъминлашда муҳим мезон ҳисобланади. Ўз навбатида, уларни такомиллаштириб бориш замон талаби бўлиб, одамлар турмушини янада яхшилашга хизмат қилади. Бугунги кунда маҳалла аҳли орасида ҳурмат ва обрўга эга фуқаролар йиғинлари раислари тажрибасини кенг оммалаштиришнинг вақти келди. Бу борада тизим яратилган бўлсада, қонунчилик нуқтаи назаридан такомиллашув талаб этилади. Шунингдек, таъкидлаб ўтилганидек, маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошланган ижобий ишларни изчил давом эттириш ва янги босқичга чиқариш даркор. Маҳалланинг фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда маҳалла фаолларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бу эса, Президентимиз урғу бериб ўтганидек, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб энг муносиб номзодларнинг сайланишини таъминлайди.

**— Маҳалла келажагини сиз қандай тасаввур қиласиз?**

— Маҳаллани инсон фаолияти билан боғлиқ кўплаб масалаларни ҳал этишга қодир кучли демократик институт дея таърифлаган бўлар эдим. Ҳозирча бу борадаги имкониятлар қисман ифодасини топаётир. Маҳалла ўз тузилмаси мақомида хўжаликни бошқаришга, барча масалаларни, муаммоларини мустақил ҳал этишга ҳозирча тайёр эмас. Қайсидир маънода бу унинг бюджетига ҳам боғлиқдир. Дарвоқе, мамлакатимиз раҳбари бу масалага тўхталиб ўтар экан, маҳалла молиявий масалаларни мустақил ҳал этиш имкониятига эга бўлган тақдирда янада катта эътиборга, қолаверса, аниқ кучга эга бўлади, дея таъкидлаганди. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари ҳудудда жойлашган хўжалик субъектлари билан маълум ишларни амалга ошираётир, тадбиркорлик фаолиятини ҳам йўлга қўяётир. Бундан ташқари, умумхалқ ҳашарларида тўпланган маблағлар ҳам туман, вилоят ва шаҳар миқёсида «Маҳалла» жамғармасига йўналтирилади ва шу тариқа маҳаллалар бўйича тақсимланади. Ўз навбатида, бу маблағлар манзилли бўлиб, ободонлаштириш ишларини амалга оширишга, муҳтож фуқаролар ҳамда оилаларни қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли турмуш даражасининг ошишида муҳим омилга айланиб бормоқда. Маҳалла салоҳиятидан жамиятнинг моддий ва маънавий фаровонлигини оширишда янада самарали фойдаланиш муҳим. Шу тариқа маҳалла аҳолининг бандлик масаласини таъминлашда ва даромадини оширишда, турмуш тарзини янада юксалтиришда алоҳида ўринга эга бўлади.

Жорий йилнинг ўзида мамлакатимизда 950 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил этиш мўлжалланган. Аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш — буларнинг барчаси бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари бўлиб қолади. 200 мингдан зиёд киши, асосан кўп фарзандли аёллар, жисмоний имконияти чекланганлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шуларнинг ўзи маҳалланинг муҳим ижтимоий масалани ҳал этишда нечоғлик аҳамияти юқорилигидан далолатдир.

Мухтасар қилиб айтганда, одамларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари, ижтимоий кўмакка муҳтожларнинг эҳтиёжи жамоатчилик назорати орқали тўлиқ ифода топиши маҳалланинг ёрқин келажагини белгилайди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**
**суҳбатлашди**

---

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

# ЁШЛАР КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРМОҚДА

**Президентимизнинг 2010 йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида ёшларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини самарали ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратилган.**

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакилларининг журналистлар билан ўтказилган учрашувида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Ҳ.Муҳиддинов ҳукуматимиз топшириғига биноан «Компьютер саводхонлиги» талаба-ёшлар отрядлари ёрдамида аҳолининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалда қўллаши учун кўникма ҳосил қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилгани, Тошкент ахборот технологиялари университетининг юқори босқич талабалари томонидан компьютер саводхонлиги ўқув курслари ташкил этилганини таъкидлади.

Ушбу вазифа ижросини таъминлашга қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари жалб қилинган. Ўзаро ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилгани барча вилоятларда ана шундай ўқув курсларини ташкил этиш имконини берди. Тошкент ахборот технологиялари университети кўмагида лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаол иштирок этди.

Жорий йилнинг 5-30 июль кунлари аҳолини замонавий ахборот технологиялари билан таништириш ва уларни амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш бўйича турли гуруҳ тингловчилари учун ўқув машғулотлари ўтказилди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг 400 нафарга яқин талаба ва ўқитувчилари, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, «Маҳалла» жамғармаси ва маҳаллий ҳокимият органлари ходимлари, алоқа ва ахборотлаштириш мутахассислари компьютер саводхонлиги курсларини ўтказишга жалб қилинди. Курсларда жами 15 минг нафардан ортиқ киши ўқитилди. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этди. Ўқув курслари мамлакатимизнинг барча туманларидаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар компьютер синфларида ўтказилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан таълим сифатини ошириш, ўқув курсларини тарқатма материаллар билан таъминлаш ва самарали ташкил этиш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғини ривожлантириш, уларни ҳар бир оилада татбиқ қилиш ва ўзлаштиришга оид 2000 нусхадан ортиқ қўлланма, шунингдек, эркин очиқ кодли ва мустақил ўргатадиган мультимедиали интерфаол дастурий комплексни ўз ичига олган операция тизимига эга тақдимот материаллари ишлаб чиқилди ҳамда тақдим этилди.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

---

**ДИҚҚАТ, «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»!**

Агар Сизга божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари маълум бўлса, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси раҳбариятини қуйидаги **«Ишонч телефонлари»** орқали хабардор қилишингизни сўраймиз:

**(8-371) 120-76-76, 120-76-71**

Мурожаатларнинг анонимлиги кафолатланади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Давлат божхона қўмитасининг**
**Тошкент шаҳар**
**Божхона бошқармаси**




Азим шаҳримизнинг байрамона қиёфаси



Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар




**Энг улуғ қадриятимиз бўлган Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни шодиёна руҳда кутиб олиш мақсадида жойларда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

# ҚУТЛУҒ БАЙРАМ ШУКУҲИ

Бу каби тадбирлар юртдошларимиз, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод қалбида киндик қони тўкилган муқаддас она юртнинг ҳар қарич ери, ҳар бир майсасини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр-садоқат туйғусини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими ҳамкорлигида 44-оилавий поликлиникада «Истиқлолинг муборак, юртим!» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда шифо маскани ходимлари, улар хизмат кўрсатадиган «Обиназир», «Сархумдон», «Янгишаҳар» маҳаллалари аҳолиси иштирок этди.

— Истиқлолимизнинг 19 йиллик шодиёнаси муносабати билан ҳар бир масканда тайёргарликлар қизғин бораётир, — деди 44-оилавий поликлиника бош шифокори Муқаддас Раҳматуллаева. — Жумладан, тиббиёт муассасаларида кенг қамровли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, ижтимоий кўмакка муҳтожларга бевосита маҳаллаларга чиқиб саховат улашилди. Айтиб ўтиш жоизки, тиббиёт тузилмаларида мунтазам «Маънавият соатлари» ташкил этилиб, бундай тадбирлар доирасида мутахассисларни таклиф этган ҳолда янги қабул қилинаётган Президентимиз фармон ва фармойишлари, бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти тушунтириб борилади.

44-оилавий поликлиника 200 дан зиёд тиббиёт ходими 40 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Ушбу маскан ходимлари тиббий хизмат кўрсатиши билан бирга юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, тиббий соҳалардаги ислоҳотлар билан доимий равишда танишиб бориши учун зарур шароитлар яратилган. «Маънавият хонаси»да кундалик газета-журналлар, бадиий китоблар, қўлланмалар мавжуд. Тиббиёт ходимлари бу ерда ишдан бўш вақтида янгиликлардан бохабар бўлиш имкониятига эга. Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш иштиёқида бўлган поликлиника жамоаси ҳар куни тозалаш ва ободонлаштириш ишларида ҳам машғул бўлаётир.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ҳар томонлама етук авлодни вояга етказишга қаратилаётган юксак эътибор, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида кўп фикрлар билдирилди. Истиқлолнинг илк йилларида аҳоли, айниқса унинг эҳтиёжманд қатламига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, авлодлар саломатлиги йўлида олиб борилаётган ишлар эътироф этилиб, мустақиллик берган неъматларни авайлаб-асраш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлиги таъкидланди.

**Дилором ИКРОМОВА**

# ВАДИМ МЕНЬКОВ — ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

**Каноэчи Вадим Меньков жаҳон чемпионатида олтин ва бронза медални қўлга киритиб, Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига муносиб совға ҳозирлади**

Польшанинг Познань шаҳрида дунёнинг 71 мамлакатидан келган энг кучли спортчилар иштирокидаги байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Вадим Меньков каноэчилар ўртасида 1000 метр масофага эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпиони унвонини муносиб ҳимоя қилди ва фаолиятида иккинчи бор жаҳон чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди.

Саралаш беллашувларидан муваффақиятли ўтиб, энг кучли саккиз нафар каноэчи қаторида финалга чиққан ҳамюртимиз ҳал қилувчи беллашувда бир километрлик масофани 3 дақиқа-ю 51 сонияда босиб ўтди ва асосий рақобатчилари – венгриялик Атилла Вайда ҳамда германиялик Себастьян Бренделни ортда қолдирди.

Вадим Меньков шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Вадим жаҳон чемпионатидаги иккинчи медалини 500 метрга эшкак эшиш беллашувларида қўлга киритди. Бу гал белгиланган масофани 1 дақиқа-ю 48 сонияда босиб ўтган спортчимиз маррага учинчи келди ва бронза медаль билан тақдирланди.

...1987 йилда туғилган Вадим Меньков дунёнинг энг кучли каноэчиларидан. У халқаро майдондаги дастлабки салмоқли ютуғига 2006 йилда Қатарнинг Доҳа шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларидаги ғалабаси билан эришган. Ўша йили Польшада жаҳон кубоги мусобақасида иккинчи ўринни эгаллади. Кейинчалик Осиё чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Истеъдодли спортчимиз Пекинда ўтказилган Олимпиадада 1000 метрлик беллашувларда тўртинчи ўринга кўтарилди ва осиёлик эшкак эшувчилар ўртасида энг юқори натижани қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 августда эълон қилинган «Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига асосан Вадим Меньков «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланди.

Моҳир спортчимиз учун 2009 йилги спорт мавсуми ҳам жуда самарали бўлди. Таниқли мураббий Александр Пономарёв раҳбарлигида шуғулланаётган В.Меньков жаҳон кубогининг Рачице (Чехия) ва Познань (Польша), Сегед (Венгрия) шаҳарларида ўтказилган уч босқичида битта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритди. Канаданинг Дартмут шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида каноэда 1000 метрга эшкак эшиш бўйича ғолиб чиқди. Унинг бундай юксак натижаларини инобатга олган Халқаро каноэ федерацияси В.Меньковни дунёнинг 2009 йилдаги «Энг яхши каноэчиси», деб эълон қилди.

Вадим жаҳон кубогининг Франция, Венгрия ва Германияда ўтказилган босқичларида бир жуфт олтин ва битта кумуш медални қўлга киритди. Мазкур мусобақалар ҳамюртимиз учун Польшадаги жаҳон чемпионатига тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилди.

Жаҳон спортида юқори чўққиларни забт этиб келаётган 23 ёшли В.Меньков 2012 йили Лондонда бўладиган ёзги Олимпия ўйинларида ғолиб чиқишни ҳам мақсад қилган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**Бугунги кунда ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши йўлида кўплаб спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.**




Козим Ўлмасов олган сурат

# ЯНГИ ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

«Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими кенгаши томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси билан ҳамкорликда «Учтепа» спорт мажмуасида футбол бўйича «Мустақиллик кубоги» турнири ўтказилди.

Энг улуғ ва энг азиз байрамнинг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу турнирда Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Ўзбекистон почтаси», «Матбуот тарқатувчи» АЖ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Микрокредитбанк» каби ташкилотларда фаолият юритаётган 120 дан зиёд ёшлар жамоалари иштирок этди.

— Ушбу мусобақа корхона, ташкилот ва муассасалардаги ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлиғини тиклаш каби бир қатор хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда ўтказилди, — дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими мутахассиси Азамат Зоҳидов. — Эътиборлиси, миллионлар ўйини ҳисобланмиш спортнинг минифутбол тури бўйича ёшлар бор маҳоратини кўрсатиб, ўз жамоаларининг ғалабасини таъминлаш учун курашди. Таъбир жоиз бўлса, турли соҳаларда меҳнат қилаётган ёшлар орасидан спортга астойдил меҳр қўйган янги иқтидорларни кашф этдик.

Юқори кўтаринкилик ва таассуротларга бой тарзда ўтган турнирда «Дори-дармон» акциядорлик компанияси жамоаси биринчи ўринни, «Ўзбекистон почтаси» АЖ иккинчи ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси учинчи ўринларни забт этди. Совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

**Туш ўнгланмай, иш ўнгланмас.**

* * *

**Якка дарахт боғ бўлмас.**

* * *

**Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир.**

* * *

**Бугунги ниҳолчамиз, эртанги чиноримиз.**

* * *

**“Эҳтиёт бўлганни сақлайман” деган худойим.**

* * *

**Киндик қонинг томган ердан ортиқроқ жой борми?**

* * *

**Дунёда қора билан оқ, тун билан кун, ёмонлик билан яхшилик ҳамиша ёнма-ён юради.**

* * *

**Ёлғиз дарахт чинор бўлмайди.**

* * *

**Зўрдан зўр чиқса, қуйруғини қисибди, деган нақл бор.**

* * *

**Қирқ йил қирғин бўлса, беажал чивин ўлмас.**

* * *

**Серхархаша хотиннинг орқасидан юрмаган эркакнинг ўзи бу дунёда йўқ!..**

* * *

**Қўлнинг кучи етмаган жойга сўз билан ақлнинг кучи етади.**

* * *

**Жаҳл душман, ақл дўст.**

* * *

**Тадбир – олти, ақл еттидир.**

* * *

**Отанинг йўли улуғ.**

* * *

**Қиз бола қумғондан қуйилган сув.**

* * *

**Кўпчиликни мушкул аҳволдан олиб чиқиш ҳар кимнинг қўлидан келадиган иш эмас.**

* * *

**Дўст излаб келаётган одамга, юртига сиғмаган ғарибга, маконидан безган арслонга ўта нозик муносабатда бўлиш керак.**

* * *

**Одамнинг ёмони бўларкан-у элнинг нобопи бўлмас экан.**

* * *

**Уйнинг гапи кўчага тўғри келмайди.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази эълон қилади:**

- 2010 йил сентябрь ойидан ҳар ойнинг биринчи ҳафтасининг биринчи иш кунидан бошлаб, меҳнат муҳофазаси ва иш жойларини аттестациядан ўтказишни ташкиллаштиришнинг долзарб масалалари мавзуларида раҳбар ходимлар, муҳандис-техник ходимлар учун уч кунлик семинар-тренинглар ўтказилади. Ўқишни тугатганларга сертификат берилади;
- иш жойларини аттестациядан ўтказиш бўйича шартномалар тузади;
- илмий марказнинг 4 қаватли биносидаги 1,2 минг м$^2$ дан ортиқ бўлган майдонни ижарага беради.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қамарнисо кўчаси, 37-уй. Мўлжал: Шифокорлар шаҳарчаси.

**Тел: +998971565957, +998712148931, 2148802.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такроран Бектемир тумани СИБ томонидан қуйидагилар қўйилмоқда:** Бектемир т, Ҳ.Бойқаро кўчаси, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказий ашёларни сақлаш омборида сақланаётган, 22.10.2009 йилдаги №1-436 ижро ҳужжатига асосан хатланган: **1.**“ГАЗ-2401” русумли, д/р 11О1196 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 549 407,65 сўм. **2.** “ГАЗ-2410” русумли, д/р 30Р7328 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 618 082,95 сўм. **3.** “ГАЗ-2401” русумли, д/р 11R1033 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 549 407,65 сўм. **4.** “ГАЗ-2401" русумли, д/р 30D1949 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 618 082,95 сўм. **5.** 02.06.2009 йилдаги №1-302 ижро ҳужжатига асосан “ВАЗ-2101” русумли, д/р 01Н492АА бўлган, 1973 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 510 792 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 14 сентябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

«Ижтимоий фикр» Маркази жамоаси марказ котибият бўлимининг бошлиғи Улбусин Абдухатовна Абдумаликовага онаси

**Джибак ая НАХАЛБАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2765 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5